



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 декабрь, № 252 (9147)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ХУДУДГА АЙЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Жиззах вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб замонавий ва қулай йўл инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят марказини “М-39” халқаро автомобиль йўлига боғлаш мақсадида қарийб 290 миллиард сўм ҳисобидан 700 метрлик йўлўтказгич ва 4 километрлик янги автомобиль йўли қурилди.

Мазкур йўл ҳар куни 14 мингдан ортиқ транспорт воситаларини ўтказиш имкониятига эга.

Шу пайтгача ушбу йўналишдан аҳоли шаҳарга кириш-чиқиш учун 25 километрлик айланма йўлдан фойдаланишга мажбур эди. Янги иншоот туфайли бу масофа 4 километргача қисқарди, эски йўлдаги тир-бандликлар бартараф этилди. Бу нафақат хайдовчилар, балки тадбиркорлар, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Металл конструкциялардан замонавий технология асосида барпо этилган ўтказгичнинг хизмат муддати 100 йил деб баҳоланмоқда. Аънавий темир-бетон ўтказгичлар, одатда, 50 йил хизмат қилади. Демак, хизмат муддати икки баробар узайди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати — илгари йўловчи ва юк поездлар ўтган пайтда автомобиллар темир йўл кесилишмасида ўхтаб қолишга мажбур эди, эндиликда эса йўлўтказгич қурилгани туфайли тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш ва бошқа махсус хизмат-

ларнинг ҳаракати анча енгиллашди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига атом энергетикаси лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Айни пайтда Жиззах вилоятида интеграциялашган иккита кам қувватли реактор ва иккита катта реактордан иборат атом электр станциясини барпо этиш бошланган.

Ҳозирги босқичда реактор биноси учун котлован қазиш ишлари фаол паллага кирган. Қурилиш-монтаж базаси учун ер текислаш, бетонлаш, арматура ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Қурувчилар яшаши учун вақтинчалик тураржой мажмуаси барпо этилган.

Атом электр станцияси учун зарур қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, олийғоҳларда соҳа учун кадрлар тайёрлашни кенгайтириш режалари тақдимот қилинди.

Бўлажак электр станцияда меҳнат қиладиган мутахассислар ва уларнинг оилалари учун моношаҳарча қуриш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Шаҳарча АЭСдан 16 километр узоқликда жойлашган, 10 минг кишига мўлжалланган бўлади, унда барча зарур инфратузилма, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектлари қўзда тутилади.

Президентимиз Жиззах шаҳрига кириш қисмини замонавий қиёфага келтириш бўйича мастер-режа ва реновация лойиҳалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Реновация дастури асосида

Жиззахда эски уй-жойлар ўрнида замонавий, қулай ва хавфсиз тураржойлар барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, IT-марказ биносини барпо этиш, хунармандчилик марказини ташкил этиш, айрим мавжуд мажмуаларни реконструкция қилиш ҳамда гавжум кўчаларни тартибга келтириш каби лойиҳалар билан танишилди.

— Бугунги Жиззах — кечаги Жиззах эмас. Вилоятнинг салоҳияти, имконияти қаррасига ошди, одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди. Шу имкониятларни аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга айлантиришимиз керак, — деди Президент.

Тақдимотлар давомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах политехника институти қошида ташкил этилган Автомобилсозлик муҳандислик мактаби фаолияти билан танишди.

Бу ерда “BYD Uzbekistan Factory” ва “ADM Jizzakh” корхоналари билан малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Муҳандислик мактабида транспорт соҳасига ихтисослаштирилган тўрт таълим йўналиши бўйича ўқув дастурлари янгича ёндашув асосида ташкил этилган. Хусусан, иккинчи курсни юқори кўрсаткичлар билан та-

момлаган талабалар “BYD” заводи қилганмиш. Асосийси, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, юқори даромадли иш билан таъминлаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюрди.

Ушбу мажмуа аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзида кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. Лойиҳа вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Замонавий тиббиётда бундай кластерли ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун бюрократик жараёнларни камайтиришнинг энг самарали модели сифатида тан олинган.

Давлатимиз раҳбарига муассаса имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Президент беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Марказ замонавий етти қаватли бинода жойлашган бўлиб, кунига 400 нафаргача беморни қабул қилиш қувватига эга. Стационар ўринлари 344 та бўлган марказга умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ замонавий жиҳозлар — МРТ, МСКТ, лаборатория комплекслари ҳамда юқори технологияли жарроҳлик ускуналари ўрнатилган.

Поликлиника, радиология, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урология каби бўлимларнинг бир мажмуада жойлашгани тиббий хизмат кўрсатишни тезлаштириди, шифокорлар ўртасидаги ҳамкорлик ва беморлар ҳаракатини енгиллаштиради. Айниқса, янги имкониятлар туфайли юқори технологияли операциялар учун навбатларнинг қисқариши лойиҳанинг энг катта ижтимоий самарасидир.

Марказ ишга тушиши натижасида Жиззах аҳолисининг республика шифохоналари ёки қўшни вилоятларга қатнаши 75 — 80 фоизга камаяди.

Тиббиёт кластерида Қозон федерал университети билан маҳаллий мутахассислар учун малака ошириш, илгор диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, замонавий тиббий стандартларни ўзлаштириш имкониятини берувчи узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатилди.

Президентимиз шу ерда республика ва вилоят фаоллари билан ҳам мулоқот қилди.

Кейинги йилларда Жиззахда саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда яхши натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳали кўплиги айтилди.

— Жиззахга келиб, янги “ўсиш нуқ-

талари”ни белгилаб олишни мақсад қилганмиш. Асосийси, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, юқори даромадли иш билан таъминлаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюрди.

Ушбу мажмуа аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзида кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. Лойиҳа вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Замонавий тиббиётда бундай кластерли ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун бюрократик жараёнларни камайтиришнинг энг самарали модели сифатида тан олинган.

Давлатимиз раҳбарига муассаса имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Президент беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Марказ замонавий етти қаватли бинода жойлашган бўлиб, кунига 400 нафаргача беморни қабул қилиш қувватига эга. Стационар ўринлари 344 та бўлган марказга умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ замонавий жиҳозлар — МРТ, МСКТ, лаборатория комплекслари ҳамда юқори технологияли жарроҳлик ускуналари ўрнатилган.

Поликлиника, радиология, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урология каби бўлимларнинг бир мажмуада жойлашгани тиббий хизмат кўрсатишни тезлаштириди, шифокорлар ўртасидаги ҳамкорлик ва беморлар ҳаракатини енгиллаштиради. Айниқса, янги имкониятлар туфайли юқори технологияли операциялар учун навбатларнинг қисқариши лойиҳанинг энг катта ижтимоий самарасидир.

Марказ ишга тушиши натижасида Жиззах аҳолисининг республика шифохоналари ёки қўшни вилоятларга қатнаши 75 — 80 фоизга камаяди.

Тиббиёт кластерида Қозон федерал университети билан маҳаллий мутахассислар учун малака ошириш, илгор диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, замонавий тиббий стандартларни ўзлаштириш имкониятини берувчи узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш масъуллари ва ходимлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт кластерлари ва кўп тармоқли клиникалар бошқарувида эскича ёндашув-

лардан чекиниб, янги механизмларни жорий қилиш, жумладан, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича хориждан халқаро экспертлар ва етакчи менежерларни жалб қилиб, маҳаллий мутахассисларни ўзимизда, бевосита муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу Жиззах тажрибаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президентимиз аҳолининг тиббий хизматлардан розилиги масаласига алоҳида тўхталди. Соҳада амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришда, энг аввало, инсон қадрни устувор бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

— Одамларимизни кўпроқ бино, ундаги шароит эмас, хизматнинг сифати, шифокорнинг билими, малакаси, ҳалоллиги йўлантиради. Шифохонага келган одам, аввало, эътибор ва тўғри ташхис, тез ва сифатли даволанишни истайди. Шунинг учун энг катта вазифа — аҳолига чин дилдан хизмат қиладиган, юксак малака ва компетенцияга эга бўлган тиббиёт тизимини яратишдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Қозон тиббиёт университетининг Жиззах филиали ўқитувчилари ва талабалари билан суҳбат бўлиб ўтди. Ўқув жараёнида амалий дарсларни кўпайтириш, талабаларни жаҳон тиббиётининг ютуқлари ва илгор тажрибаси билан доимий таништириб бориш муҳим экани таъкидланди.

Президентимиз Жиззах вилоятига ташрифи доирасида Шароф Рашидов туманидаги “Агромарказ” қишлоқ ҳўжалиги корхоналари мажмуасида ҳам бўлди.

Юртимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли соҳада имкониятлар кенгайиб, ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда агромарказлар ташкил қилиниб, фермер ва деҳқонларга комплекс хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида ҳам ана шундай марказ фаолият бошлади.

Марказда ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси, ветеринария дорихонаси, агроном маслаҳати, уруғ ва кўчатлар етказиб бериш, аҳоли хонадонларига иссиқхоналар қуриш, агромаркет дўкони, минитехникалар сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш каби йўналишлар мавжуд.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
У. М. МУСТАФОЕВНИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Улуғбек Мавлонович Мустафоев** Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 2 декабрь

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун

АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛГАН
ДАВЛАТ КУЧЛИДИР

Юртимизда яқинлашиб келаётган 8 декабрь — Конституциясини қабул қилинганнинг 33 йиллиги нафақат тарихий воқеа, балки юртимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тақдирини белгиллаган, миллатимизнинг ўзига ишониши, ўз қудратини англаши, озодлик ва давлатчилик йўлидаги қатъиятнинг рамзи сифатида мутлақо янги руҳда тантана билан кутиб олинмоқда.

33 йил — тарихда кўп вақт эмасдек туюлиши мумкин, аммо давлатчилигимиз тарихида бу муддат — муқаддас покланиш, ҳуқуқий уйғониш, маънавий тикланиш, миллий ўзлиқни англаш, ҳақиқий давлатчилик меъёрларини шакллантиришнинг гоят улуғ ва шарафли даври.

Конституциямиз қабул қилинган кундан буён ўтган ҳар бир йил халқимиз ўз ҳуқуқий маданиятини оширган, фуқаролик жавобгарлигини мустақкам-

лаган, давлат билан жамият ўртасидаги ишонч илдиз отган, ҳуқуқ устувор бўлган муносабатлар чуқурлашган йиллар бўлди.

Конституция халқнинг виждони, давлатнинг ҳуқуқий пойдевори, жамиятнинг ижтимоий шартномаси бўлиши муқаддас ҳужжатдир. У миллатнинг қудрати, давлатнинг барқарорлиги ва инсон қадрини таъминлайдиган асосий ҳуқуқий қалқон сифатида бугун янада кенг маънода намоён бўлмоқда.



Учрашув
ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНИБ
БОРАЁТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳибқадир Юртимизга ташриф буюрган бир қатор нуфузли меҳмонлар билан учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Федератив тузилма, минтақавий сиёсат, маҳаллий ўзини ўзи

бошқариш ва Шимол ишлари қўмитаси раиси Андрей Шевченко билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги

стратегик шериклик изчил мустаҳкамланиб бораётгани, айниқса, икки давлат Президентлари ўртасидаги мунтазам мулоқот ҳамкорлигининг барча йўналишида иш сўрватини ошираётгани таъкидланди.



ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН
УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Италия парламентининг Депутатлар палатаси вакиллари, шунингдек, “Италия — Марказий Осиё” парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ўртасида видеоконференция шаклида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида Италия томонига “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-

натининг таркибий тузилиши, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат йўналишидаги фаолияти ҳақида маълумот берилди.



АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛГАН ДАВЛАТ КУЧЛИДИР

Жамият тараққиётида янги босқич

2023 йилда қабул қилинган Конституциянинг янги тахрири эса юртимиз ҳуқуқий ҳаётидаги энг буюк қадамлардан бири бўлди. Инсон қадри энг юқори кўрсаткич сифатида белгиланган ҳуқуқий ҳужжат — халқчил давлат, адолатли жамият ва инсонпарвар устуворнинг конституциявий асоси мустақамланди.

Янги тахрирдаги Конституция инсон ҳуқуқлари кафолатларининг кенгайиши, суд мустақиллигининг кучайиши, давлат идоралари жавобгарлигининг ошиши, парламент ва жамоат назоратининг юқори даражага кўтарилиши, жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштироки каби муҳим ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Бу — жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий тараққиётида янги босқич.

Янги Ўзбекистон даврида Конституциямиз қонунлар тизимининг устуни, давлат сиёсати ва ислохотларининг асосий мезони, жамиятимиздаги адолат ва барқарорликнинг кафолати сифатида юксак маънавий-сиёсий куч касб этди.

Мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар фақат янгиланиш эмас, балки бутун давлатчиликни янги босқичга кўтарган улкан сиёсий-маънавий ҳаракатдир. Янги Ўзбекистон тарихидаги бугунги давр халқимиз қудрати, давлатимиз иродаси ва миллий тафаккуримиз юксалиши билан тобора кенгайиб бораётган юксак маънавий жараёндир.

Ҳар бир қонун, ҳар бир қарор, ҳар бир ташаббус фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки инсон тақдирини, халқ манфаати, миллий тараққиёт йўлини белгилаётган олий сиёсий вазифадир.

Тизим нуфузини оширишга қаратилган ҳуқуқий қадам

Давлатнинг барча тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтирмоқда, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустақамламоқда, жамиятда адолат мезонларини ўрнатмоқда.



фолатлайдиган замонавий тизимни яратган, судьялар фаолиятини шаффоф қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва судьялар ҳамжамияти органлари нуфузини оширишга қаратилган бекиёс ҳуқуқий қадамдир.

Судьялар учун аввалги 5 йиллик фаолият ва ундан кейинги чегараланмаган муддатли ишлаш имконияти — судьянинг шаъни, ишончи ва касбий мустақиллигини яратган, судьялар фаолиятини шаффоф қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва судьялар ҳамжамияти органлари нуфузини оширишга қаратилган бекиёс ҳуқуқий қадамдир.

“Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси.

Ана шундай жараёнда Президентимиз томонидан қабул қилинган 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон юртимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида энг муҳим бўрилишлардан биридир.

Мазкур ҳужжат суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини ка-

на кафолатловчи янги модель. Судьянинг фақат қонун ва виждон асосида қарор қабул қилиши учун мустақам институционал кафолат яратилди.

Гендер тенглик соҳасидаги давлат сиёсати ҳам юртимизда инсонпарварлик ва инклюзивлик тамойиллари амалда намоён бўлаётганининг яққол исботидир. Хотин-қизларнинг суд тизимидаги иштироки 30 фоиздан юқори босқичларга кўтарилиши — адолатли жамият, имконият-



лар тенглиги ва инсон қадрини юксалтириш сиёсатининг амалий натижаси.

Суд жараёнининг шаффофлиги, очиқлиги, қарорларнинг асослиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг янги механизмлари жорий этилиши замонавий ҳуқуқий давлатнинг асосий устуни бўлиб хизмат қилади.

Президентнинг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони эса суд тизимини XXI асрнинг энг илғор ҳуқуқий стандартларига мослаштиришга қаратилган ғоят муҳим қадам бўлди.

Интеллектуал таҳлил, рақамли билимлар, электрон адолат, тезкор ва аниқ қарорлар суд тизимини жаҳон амалиётининг энг илғор босқичига кўтармоқда. Бу фақат технология эмас, бу адолатнинг янги даражаси, фуқаролар ҳуқуқларининг замонавий ҳимояси, инсон қадрининг янги ҳуқуқий кафолатидир.

Келажақ судьяси қиёфаси

Давлатимиз раҳбарининг “Одил судлов соҳасида қарор малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

келажақ судьясининг қиёфасини белгилаб берди.

Бугунги кун судьяси билимли, фикри равшан, ҳалол, виждонли, инсонпарвар, замонавий технологияларни чуқур биладиган, жамият манфаатини ҳимоя қила оладиган юксак маънавият соҳибидир.

Бундай судьялар корпуси Янги Ўзбекистон ҳуқуқий давлатининг энг муҳим инсон капитали ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг халқро нуфузи ҳам бугун янги босқичда ошиб бормоқда. Ўзбекистон глобал оламда ва Осиёда ҳуқуқий сиёсатни йўналтира оладиган давлатлар қаторида турибди. Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлар Ассоциацияси раислигининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига топширилиши — Ўзбекистоннинг ҳуқуқий салоҳияти, минтақавий нуфузи ва халқро ҳуқуқий майдондаги янги етакчилик миссиясининг яна бир қарра тан олинishi бўлди.

Юртимизда амалга оширилаётган барча ҳуқуқий ислохотлар, Конституциямизда мустақамланган ҳуқуқий асослар, янги фармонлар, суд тизимидаги сунъий интеллект асосланган янгиланишлар, кадрлар тайёрлашга қаратилган қарорлар — буларнинг барчаси ягона мақсадга қаратилган: **Ўзбекистонни адолат устувор бўлган ҳақиқий ҳуқуқий инсонпарвар давлат сифатида мустақамлаш.**

Адолат устувор бўлган давлат — кучли давлат. Адолат таъминланган жойда тараққиёт, демократия ва фаровонлик, ишонч ҳамда келажақ бор.

Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

КОНСТИТУЦИЯ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари Тошкент халқро университети талабалари билан “Конституция — ёшлар нигоҳида” мавзусида очиқ мулоқот ўтказди.

Тадбир

Тадбир давомида юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган талабаларга янги тахрирдаги Конституциянинг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти ҳамда ундаги асосий ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинар тарзида ўтказилган мулоқотда Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши таъкидланди.

Мулоқот чоғида янги тахрирдаги Конституция инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган адолатли давлат қуриш учун мустақам ҳуқуқий асос яратиб бергани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда таълим ва илм-фан соҳасига оид конституциявий янгилликлар, давлат ва подавлат таълим ташкилотларини ривожлантириш, академик эркинлик, инклюзив таълим масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Талабаларга Ёшлар парламенти фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш борасидаги ташаббуслари ҳақида маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат иқтисодий масала, балки ижтимоий барқарорлик, миллий хавфсизлик, саломатлиқни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан бирига айланган. Иқлим ўзгаришлари, геосиёсий кескинликлар ва глобал пандемиялар каби омиллар бу масаланинг долзарблигини янада оширмоқда. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини кўлаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мушоҳада

Озиқ-овқат хавфсизлиги — бу ҳар бир инсоннинг тўлақонли ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш учун етарли, хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишидир. Бу нафақат инсон саломатлиги ва фаровонлигининг асоси, балки миллий суверенитет, низо-ларнинг олдини олиш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида эътироф этилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор муҳим натижаларга эришилди. Олиб борилган ишлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми кескин ошди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайд. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга кўтарилди. Бу ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим қадам бўлди. Ушбу соҳадаги ислохотлар мустақам ҳуқуқий база билан таъминланган.

“Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишни таъминлашнинг 2030 йилгача

мўлжалланган стратегияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси каби муҳим ҳўжатлар қабул қилиниши соҳанинг стратегик аҳамиятини тасдиқлайди. Улар озиқ-овқат хавфсизлигининг замонавий концепциясини яратди, унда маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлик, озўқавий ва санитария жиҳатлари, шунингдек, ташқи, ички, экологик ва глобал иқлим таҳдидларига қарши қурашиш масалалари қамраб олинган.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигидаги тўб ўзгаришлар ҳам соҳада хал қилувчи роль ўйнайди. Аънаваний тарзда пахта ва галла етиштиришга ихтисослаштирилган ер майдонлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига सबзотлар, дўқакли ва полиз экинлари етиштиришга устувор аҳамият қаратилаётгани диққатга сазовор. Бу аҳолининг турли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва фермерлар даромадини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигида кластер ва кооперация тизимларининг жо-

рий этилиши маҳсулотларни етиштиришдан тортиб қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишгача бўлган занжирни самарали бошқариш имконини бериб, умумий салоҳиятни сезиларли даражада оширди.

Бундан ташқари, Сайхунобод тажрибаси асосида томоқларда маҳсулот етиштириши кўлаб-қувватлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш ўрни ва даромад билан таъминлашда, турмуш тарзини яхшилашда ва умумий озиқ-овқат етиштириши кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда нафақат давлат, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг фаол иштироки муҳимдир. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, подавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари озиқ-овқат сифати устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда фаоллик кўрсатмоқда. Бундай жамоатчилик назорати истеъмолчилар ҳўқўқлари ҳимоясига хизмат қилади.

Глобал иқтисодий ўзгаришлар ва иқлим таҳдидлари

шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давомли саяё-ҳаракатларни жадаллаштириш имаммиздаги муҳим вазифалардан биридир. Бунда қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариши диверсификация қилиш, аграр секторга замонавий инновацион технологияларни жалб этиш ва халқро ҳамкорлиқни янада кучайтириш лозим. Шу билан бирга, малакали кадрларни тайёрлаш, озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги бўйича илмий салоҳиятни ошириш ҳам узоқ муддатли ривожланишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бу масала Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий устуворлик, балки миллий барқарорлик, фаровонлик ва суверенитетнинг асосий кафолатидир. Давоми саяё-ҳаракатлар, инновациялар ва халқро ҳамкорлик орқали Ўзбекистон ўз аҳолисини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаб, бу борада минтақавий етакчи давлатлардан бирига айланиши, шўбҳасиз.

Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Фикр

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Президентимизнинг Жиззах вилоятига бу галги ташрифи ҳудуд ривожида муҳим ўрин тутиб, кенг имкониятларга, истиқболли лойиҳаларни кўлаб-қувватлашга зарур шарт-шароит яратди.

Дастлаб йўл-транспорт инфратузилмаси, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, тиббиёт ва хизматлар соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Ташриф давомида муҳим тақлифлар илгари сурилди, масўўлар олдида устувор вазифалар қўйилди. Булар нафақат бир вилоят, балки республика аҳамиятига молик бўлиб, ўз ичига яқин истиқбол ва узоқ муддатли стратегик мақсадларни ҳам қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Жиззах вилоятида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида барча соҳада ўсиш сурьатлари қузатилмоқда. Ўтган даврда республикадаги саноати энг тез ўсаётган ҳудудга айлангани бунга яққол мисолдир. Жумладан, саккиш йилда 6,5 млрд. долларлик инвестиция лойиҳалари ишга тушган бўлса, шунинг 45 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади.

Айниқса, вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам тубдан диверсификация қилингани эътиборга молик. Хусусан, Бахмал, Фалларол, Зомин, Янгиобод, Форш туманлари богдорчиликка ихтисослаштирилиб, янги бог ва токзорлар барпо этилди. Натижада вилоятда мева-сабзавотни қуришти, сақлаш, қадоклаш, қайта ишлаш қувватлари яратилди.

Кейинги вақтда вилоятда йирик лойиҳаларга қўл урилаётганини алоҳида айтиш керак. Жиззахда эски уй-жойлар ўрнида замонавий, қулай ва хавфсиз тураржойлар Реновация дастури асосида барпо қилиниши режалаштирилгани, шунингдек, IT-марказ биносини тиклаш, ҳўнамандчилик марказини ташкил этиш, айрим мавжуд мажмуаларни реконструкция қилиш ҳамда гавжум қўчаларни тартибга келтириш каби лойиҳаларга ташриф давомида алоҳида эътибор қаратилди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Албатта, булар мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янги, янада юксак босқичга кўтаришга туртки беради. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги Жиззах кеағи Жиззах эмас. Вилоятнинг салоҳияти, имконияти қаррасига ошди, одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди. Шу имкониятларни аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга айлантиришмиз керак.

Яна бир муҳим лойиҳа — вилоятда янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бугунги кунда аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзида кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. У вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Замонавий тиббиётда бундай кластерли ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун бюрократик жараёнларни камайтиришнинг энг самарали модели сифатида тан олинган.

Президентимиз беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишиш жараёнида марказнинг Жиззах аҳолиси учун аҳамияти катталигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиши ҳудуд ривожига берилаётган стратегик эътибор ва юксак ишонч намунаси бўлди.

Сессияда Президентимиз вилоятда саноат ва инвестиция соҳаларини ривожлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. Албатта, булар Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда янги имкониятлар очади. Қўйилган вазифалар эса нафақат яқин истиқболни, балки узоқ муддатли стратегик мақсадларни ҳам ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир. Албатта, уларни амалга оширишда барчамиз янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз мақсадга мувофиқ.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚЎЛЁЗМАЛАР, МУЗЕЙЛАР ВА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР:

ҚАРДОШ ЮРТГА СЕРМАҲСУЛ САФАР

Шу йилнинг 24 — 26 ноябрь кунлари ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар Туркия Республикасида бўлиб, қатор анжуманлар, давра суҳбатлари, тақдирот ва кўргазмаларда қатнашди.

Турли маданият ва қарашлар туташган мазкур қадимий заминни Ўзбекистон билан боғлаб турадиган мустаҳкам ришталар бисёр. Халқларимиз тарихи умумий илдишларга бориб тақалади. Сўнгги йилларда дўстона алоқаларимиз ҳар тарафлама мустаҳкамланиб бораётгани қувонарли ҳол. Делегациямизнинг бу балли ташрифидан мақсад ҳам ўзаро илмий мулоқотни чуқурлаштириш ва тажриба алмашиш эди.

Таассурот

Тарих ва маданий меросга эҳтиром

1925 йили Усмонийлар давлатига тегишли Тўпқопи, Дўлмабахча, Йилдиз ва бошқа тарихий саройлар давлат тасарруфига ўтказилиб, Миллий саройлар бошқармаси ташкил этилган эди. Ушбу ташкилотнинг айна пайтда 100 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Истанбулда ўтказилган йирик симпозиумда 37 мамлакатдан 300 га яқин олимлар қатнашди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон тарихий давлат музейи, “Узархив” Миллий агентлиги вакилларида иборат олимлар мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш масалалари бўйича маърузалари билан иштирок этди.

Халқро тадбирда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолияти ҳақида намойиш қилинган видеороликда илмий тадқиқотлар, музей экспозициялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида кенг маълумот берилди.

— Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази — халқро микёсда ҳам тан олинган муассасалардан бири, — дейди Истанбул университети профессори Эмек Ушенмез. — Кўпчилик иштирокчилар марказ билан танишиш, амалий ҳамкорлик қилиш тарафдорин. Бу мен учун ҳам фахр, чунки марказнинг илмий лойиҳаларида бевосита қатнашганман.

2026 йил март ойида марказнинг тантанали очилиши режа-

лаштирилган бўлиб, унда дунё мамлакатлари, жумладан, Туркиядан ҳам етакчи олимлар, музей ва кутубхона раҳбарлари, халқро экспертлар иштирок этиши айтилди.

Янги ташаббус

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти ташаббуси билан 1979 йилда Истанбул шаҳрида ИРСИКА — Ислом тарихи, маданияти ва санъати тадқиқотлари марказига асос солинган. Ушбу ташкилот ислом санъати, маданияти, цивилизацияси ва тарихини ўрганиш бўйича турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. У юртимиздаги қатор илмий-маърифий муассасалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.

ИРСИКАда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда фотокўргазмалар, турли учрашувлар ташкил этилди. Унинг директори Махмуд Эрол Қилич бундан икки йил муқаддам юртимизда ўтказилган халқро конгрессда Ўзбекистон алломалари энциклопедиясини яратиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу ташаббус доирасида ҳам бир қанча учрашувлар ўтказилди ва келишув асосида мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш ҳақида сўз борди.

— Ўзбекистон ИРСИКА билан ҳамкорлик қилаётган 57 та мамлакат орасида ислом маданияти ва меросини асраб-авайлаш борасида етакчиликини кўлдан бермай келмоқда, — дейди Махмуд Эрол Қилич. — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мамлакат раҳбари гоёси ва ташаббуси билан амалга ошган йирик мега-лоийҳадир. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламида йирик лойиҳа. Марказларимиз ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганини

ҳоятда қувонарли. Хусусан, Ўзбекистон алломалари энциклопедиясини яратиш гоёси марказ томонидан қўллаб-қувватланаётгани бизни жуда мамнун этди.

Ўзбекистон замини ўз тарихида икки буюк Ренессансни бошдан кечирган, юзлаб буюк алломалар, мутафаккир олимлар етишиб чиққан. Бетимсол кашфиётлар, илмий-маърифий, адабий-бадий асарлар яратилган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти кенг тадқиқ этилаётган бўлса-да, бу олимларнинг барчасини қамраб оладиган қомусий тадқиқотларга қўл урилган эди. Ушбу ташаббус ИРСИКА мутахассислари ва туркиялик олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Бу асар электрон платформада ва босма нашр кўринишида, ўзбек, турк, инглиз ва бошқа тилларда тайёрланиши кўзда тутилган.

Қўлёзмалар тилга кирганда...

Туркия кутубхоналарида ислом оламидаги энг нодир ва қадимий қўлёзмалар жамланган. Сулаймония кутубхонасида ушбу қўлёзмаларни сақлаш, ўрганиш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Сафаримиз давомида кутубхонада сақланаётган қўлёзмалар фонди билан танишиб, китобларни сақлаш шароитлари чуқур ўрганилди.

— Бугунги кунда Сулаймония кутубхонасида 200 мингдан ортиқ тарихий қўлёзмалар идеал шарт-шароитларда сақланмоқда, — дейди Туркия Қўлёзма асарлар бошқармаси раиси Жўшқин Йилмез. — Уларнинг салмоқли қисми бевосита бугунги Ўзбекистон замини билан боғлиқ. Уларни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилишда ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қатор тарихий асарларнинг факсимил нусхаларини яратиш бўйича келишиб олдик.

Учрашувда Ўзбекистон ва Туркия орасидаги муносабатлар тобора юксак босқичга кўтарилаётгани, бу жараёнда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги юқори даражадаги келишувларнинг катта аҳамиятга

эгаллиги эътироф этилди. Учрашув давомида қатор муҳим масалалар, жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистоннинг 100 дурдона қўлёзмаси” ҳамда “Ўзбекистонга тегишли 100 Қуръони карим нодир қўлёзмаси” лойиҳаларини давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Сулаймония кутубхонасида сақланаётган 800 мингдан ортиқ қўлёзмалар орасида Ўзбекистон маданий меросига алоқадор ноёб манбаларни ҳамкорликда ўрганиш, факсимил нашрларини тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш масалалари келишиб олинди.

Қўлёзмаларни ўқиш ва ўрганишда сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Айна пайтда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида тарихий қўлёзмаларни жорий алифбога ўтказиш ишлари Россиянинг “Сбербанк” компанияси билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Келгусида Сулаймония кутубхонасидаги қўлёзмаларни ўрганишда ҳам ушбу ҳамкорлик натижалари қўлланилиши режалаштириляпти.

Учрашув сўнггида Туркия Қўлёзма асарлар бошқармаси раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига буюк аллома Махмуд Кошгарийнинг “Девону луготит турк” асарининг факсимил нусхасини ҳадя қилди. Туркий халқларнинг буюк мутафаккири — Махмуд Кошгарий 1072 йилда ёзиб тугаллаган “Девону луготит турк”нинг ягона қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Миллат кутубхонасида 4189 рақами остида сақланган. Бошқарма томонидан мазкур асарнинг санокли факсимил нусхалари чоп қилинган бўлиб, улардан бири Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициясида намойиш этилиши кутилмоқда.

Мозий кўзгуси

Истанбул нафақат қадим тарихи, бетакорр табиати, тарихий ва замонавий обидалари, балки ўзига хос музейлари билан ҳам сайёҳларни лол қолдириб келади. Рим империяси, Византия, Усмонийлар даврида дунёнинг марказий нуқтаси бўлган, Фарбу Шарқни боғловчи олтин кўприк вазифасини ўтаган қадимий ва навқирон Истанбулнинг ҳар кўчаси, ҳар бир гушасида олис тарих излари билан юзма-юз келасиз. Биргина Тўпқопи саройини кўриш учун ҳар кун мианглаб сайёҳлар дунёнинг турли ўлкаларидан Истанбулга ошмақди. Усмонийлар салтанатининг наъшу намоси, тантанаси ва таназзулига шохид бўлган бу гўзал мейморинг обидида бугун жонли музей. Бу ерда ислом тарихига оид энг мўътабар манбалар ва тарихий ашёлар, пайгамбарлар ва саҳобаларга оид шахсий буюмлардан тортиб, ҳукмдорларнинг тожу тахти, муҳур фармонларига қадар тенгсиз осориатиклар билан танишиш мумкин.

Саройдан Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий буюмлар, Хусайн Бойқаро топшириги билан ўрам шаклида битилган Қуръони карим нусхаси, Бухоро Амири Саид Олимхоннинг Султон Абдулҳамид II га юборган ҳадялари сингари кўплаб артефактлар ўрин олган. Музей экспозициялари билан бизни Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий саройлар бошқармаси раисининг ўринбосари Абдулҳамид Туффеқчиғли таништирди. У меҳмонларга Туркияда музейлар ва маданий меросни асраш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Сафар давомида Миллий саройлар бошқармасига қарашли Йилдиз ва Дўлмабахча саройлари, Фуат Сезгин илм-фан ва технологиялар тарихи музейига саёхатлар уюштирилди. Ўзбекистонлик меҳмонлар ушбу тарихий обидалар ва музейлар экспозициялари билан танишди. Ўзбекистондаги маданий-маърифий муассасалар фаолиятида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлар ўрганилди.

Рустам ЖАББОРОВ

(«Халқ сўзи»).

Тошкент — Истанбул — Тошкент



«ҚЎРҚМА, АРҚОН БАҚУВВАТ...»

— Биринчи марта кўп қаватли уйда ишлаётганимда чўтка қўлимдан тушиб кетдию унинг ортидан ерга қарадим. Юрагим увишди, оёқларимни қалтироқ босди. Ахир 17-қаватда, бинонинг сиртида эдим-да. Ёнимда арқонларга осилиб турган амаким “Манави сувни ич. Қўрқма, арқон бақувват, тагин “запас” арқон ҳам бор”, деди.

Ўзбекистон ёшлари

боғлагандай таассурот уйғотади. Чунки иш кўп, навбатда турганлар оз эмас. “Олдиндан пул бераман” деганлар ҳам учрайди. Ўша сизда умид уйғотган талабгор бир пас арқонда осилиб турадию қўлидаги асбобни ишлатолмай ранги оқариб кетади, сезасанки, ундан альпинист чиқмайди. Шунинг учун 10 кишилик “команда”ни йиғиш осон бўлмади. Уларнинг ҳам иккитаси шогирд, ҳали тажрибаси кам.

— Даромад қандай?
— Ишининг ҳажмию мураккаблигига қараб. Ойига ўртача 30 млн. сўм, ҳар сафар ҳар хил, аммо нолимаймиз. Шу ўринда яна бир гап. Тошкентга дастлаб келган пайтларим ҳеч кимни танимасдим, шу боис мижоз топиш илмий кечди. Шералибой, жми ўтирма, қурилишларни кез, эълон бер, Шарипов сифатли ишлайди, деи одамларни ишонтир, дедим ўзимга ўзим. Қатъиятли бўлиш тезда натижа берди ва бугун пойтахтга тобора сингиб боряпмиз. Айна чоғда бир гуруҳ шогирдларим билан Ойбек метро бекати ёнидаги 5 қаватли уйнинг фасадини яқунляяпмиз. Мижоз бажарилган ишининг сифатидан мамнун бўляпмизки, раҳмат айтиди, ке-

лишилган пулнинг ярмини олдиндан берди ҳам.

— Альпинист-қурувчининг асбоб-ускуналари ҳам ўзига хос бўлса керак?

— Мухими, пишқик арқон ва жумар. Буни альпинист ўтирадиган стулча, деса ҳам бўлади, фақат унинг қулоқлари бор, арқон ўтиб маҳкамланадиган. Умуман олганда,

“Альпинист қурувчиларга талаб келгусида янада ошади, унинг хизматига тўлов ҳам. Биз ўшанда 30 қаватли иморатнинг сиртини бўяб, бутлаб бер, деб чет элдан мутахассис қақирамизми? Назаримда, олийоҳларда ушбу касб билан боғлиқ мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак...”

12 қаватли иморатнинг сиртида бемалол ишлаш учун ҳар бир кишига 100 метрдан ортиқ пишқик арқон ва керакли маҳкамлагичлар зарур. Агар пулга қақсак, бир йиллик асбоб-ускуна харажати 3 млн. сўмдан ошади.

— Шу пайтгача сиз ишлаган энг баянд иморат қайси бўлди?

— Яқинда пойтахт телемунорасида, 350 метр баландидаги лампочкаларни алмаштиришга киришдик. Жами 5 минг дона ёритқич ян-

гиланади. Бу машаққатли иш, чунки 350 метр тепада ҳаво кам, шамол хавфи юқори. Фақат бир жиҳати завқ беради кишига, Тошкентни очик ҳаводан — ҳеч қандай тўсиқларсиз томоша қилиш. Очиги, буни таърифлашга тил ожиз.

— Шогирдларингиз орасида ҳам-қишлоқлар ҳам борми?

— Бор, аммо кўпчилик фарзандининг бу касбда ишлашидан чўчийди, баъзилар арқонга осилиб ишлашни тасаввурига кам сидиролмайди. Яқинда қашқадарёлик, ўзим туғилиб ўсган қишлоқдош оғайним шундай маслаҳат берди: “Амакинг Алимардон Темировга ўхшаб альпинист-қурувчи бўлинг, бир кун тепадан тушиб кетишдан қўрқмайсанми, ахир икки ўғлинг, бир кизинг бор, яхшиси, бошқа касбни танла”. Чумчуқдан қўрққан

ушбу касб билан боғлиқ мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Чунки баянд иморат қурувчи дегани, бўёгига бинога қаров керак эмас дегани эмас. Вақт ўтади, фасадни таъмирлашга тўғри келади. Шу боис баянд иморатни лойиҳалашда уни кейинроқ сиртдан таъмирлашни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Агар альпинист-қурувчиликка ўқийсизми, шунақа бўлим очилган дейишса, йўқ демасдим.

— Шартнома-тўлов асосида бўлсам ўқийсизми?

— Албатта, ҳали 30 ёшга чиққанним йўқ, шартнома бўлса-да, ўқийман. Ахир бир умр арқонда осилиб рўзгор тебратмайман-ку. Суриштирдим, афсуски, юртимиз олий таълим тизимида альпинист-қурувчи тайёрлайдиган даргоҳ йўқ экан. Балки келгусида бўлар. Чунки бу хизматга талаб осяпти, ҳатто кўп қаватли бинони сиртдан таъмирлаш бўёқларини қўйишнинг, ойналарини қиш ҳам арзон эмас. Баъзилар бу ишга четдан мутахассис қақирмоқда, валюта тўлаяпти. Буни эшитганда кўнглим оғрийд, нега ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишни чет эликлар бажариши керак, дейман. Аслида, қурилиш соҳасида бугун ҳақиқий мутахассислар жуда ҳам керак. Сафимиз кенгайсин, яна-да билимдон бўлайлик, дейман. Ана шунда ёшларимиз Президентимиз айтгани бўлиб эмак, мутахассис, иш бошқарувчи бўлиб! Шу тариқа она Ватанимиз Ўзбекистон номи бу йўналишда ҳам дунёга машҳур бўлади.

Абдунсоби АЛИҚУЛОВ

(«Халқ сўзи»).



Янги марказда бир кунда назарий жиҳатдан 800 нафар, амалиёт бўйича эса 400 нафар номзоддан имтиҳон олиш имконияти мавжуд. Энг муҳими, барча жараён инсон омилсиз, автоматлаштирилган электрон тизим асосида амалга оширилади. Бу адолатли баҳолашни таъминлаб, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олади.

— Илгари виллоятдаги автомобиллар зарур инфратузилмага эга бўлмагани сабабли фуқаролар ҳайдовчилик имтиҳонини топириш учун Қашқадарё виллоятга боришга тўғри келар эди, — дейди виллоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант Элнур Абраев. — Энди эса бу муаммо ҳал бўлди. Янги марказнинг ишга туширилиши натижасида аҳоли бошқа ҳудудларга бориб сарсон бўлмайди, гувоҳнома олиш жараёни ўзимизда қулай ва шаффоф тарзда амалга оширилади.

Умумий майдони 3 гектар бўлган автодром замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда қурилган. Марказда ўкув хоналари, барча тоифадаги транспорт воситалари учун мослаштирилган амалий синов йўлаклари кузатув камералари ҳамда хавфсизлик тизимлари билан жиҳозланган. Имтиҳонлар “А”, “В”, “С”, “D”, “BE”, “CE” ва “DE” тоифалари бўйича ўтказилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳам шароит яратилган — улар учун махсус мослаштирилган автотранспорт воситалари ва инфратузилмалар ташкил этилган.

Фарҳод ЭСОНОВ

(«Халқ сўзи»).

2 — 11 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Анҳор» боғи ҳудудида олтинчи бор «Асал байрами» ва миллий асаларчилик ҳамда озиқ-овқат халқро кўргазмаси ўтказилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаовбар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бахромов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топирилди — 00.40 1 2 3 4 5 6